

MEDICINE
PROBLEMS

.UZ

ISSN 3030-3133

TIBBIYOT FANLARINING
DOLZARB MASALALARI
TOPICAL ISSUES OF MEDICAL
SCIENCES

Nº 3 (3)
2025



САЙТ: <https://medicineproblems.uz>
ISSN: 3030-3133

MEDICINEPROBLEMS.UZ

**TIBBIYOT FANLARINING DOLZARB
MASALALARI**

Nº 3 (3)-2025

TOPICAL ISSUES OF MEDICAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2025

BOSH MUHARRIR:

ISANOVA SHOIRA TULQINOVNA- Tibbiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD),
Samarqand davlat tibbiyot universiteti

TAHRIR HAY'ATI:

TIBBIYOT FANLARI

Safarov Zafar Fayzullayevich –tibbiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), Toshkent pediatriya tibbiyot instituti;

Xakimov Murod Shavkatovich –tibbiyot fanlari doktori, professor, Toshkent tibbiyot akademiyasi;

Mavlanev Alimbay – tibbiyot fanlari doktori, professor, Toshkent tibbiyot akademiyasi;

Ergashev Nasriddin Shamsiddinovich – tibbiyot fanlari doktori, professor, Toshkent pediatriya instituti;

Abdullayeva Nargiza Nurmamatovna - tibbiyot fanlari doktori, professor, Samarqand davlat tibbiyot universiteti;

Djurabekova Aziza Taxirovna - tibbiyot fanlari doktori, professor, Samarqand davlat tibbiyot universiteti;

Xaydarova Dildora Kadirovna - tibbiyot fanlari doktori, professor, Toshkent tibbiyot akademiyasi;

Ruziboyev Sanjar Abdusalomovich- tibbiyot fanlari doktori, dotsent, Samarqand davlat tibbiyot universiteti;

Sattarov Oybek Toxirovich- tibbiyot fanlari doktori, dotsent, Toshkent tibbiyot akademiyasi;

Niyozov Shuxrat Tashmirovich - tibbiyot fanlari doktori, dotsent, Samarqand davlat tibbiyot universiteti;

Shomurodova Dilnoza Salimovna - tibbiyot fanlari doktori, dotsent, Samarqand davlat tibbiyot universiteti

Tavasharov Bahodir Nazarovich – tibbiyot fanlari nomzodi, Toshkent tibbiyot akademiyasi;

Xalmetova Feruza Iskandarovna – tibbiyot fanlari nomzodi, Toshkent tibbiyot akademiyasi;

G‘aybiyev Akmaljon Axmadjonovich - tibbiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, Samarqand davlat tibbiyot universiteti;

Qo‘ziyev Otobek Juraqulovich – tibbiyot fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent pediatriya tibbiyot instituti;

Ergasheva Munisa Yakubovna - tibbiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, Samarqand davlat tibbiyot universiteti;

Ollanova Shaxnoza Sirlibayevna – tibbiyot fanlari nomzodi, Samarqand davlat tibbiyot universiteti;

Safarov Zafar Fayzullayevich – tibbiyot fanlari nomzodi, Toshkent pediatriya tibbiyot instituti;

Xayitov Ilxom Bahodirovich – tibbiyot fanlari nomzodi, Toshkent tibbiyot akademiyasi;

Alimov Suxrob Usmonovich- tibbiyot fanlari nomzodi, Toshkent tibbiyot akademiyasi;

Fozilov Uktam Abdurazzokovich - tibbiyot fanlari nomzodi, dotsent, Buxoro davlat tibbiyot instituti;

Raximov Oybek Umarovich – tibbiyot fanlari nomzodi, Toshkent pediatriya instituti;

Sattarov Inayat Saparbayevich – tibbiyot fanlari nomzodi, Toshkent tibbiyot akademiyasi;

Abidov O‘tkir O‘ktamovich – tibbiyot fanlari nomzodi, Buxoro davlat tibbiyot instituti;

Amonova Zaxro Qaxramon qizi - tibbiyot fanlari nomzodi, Samarqand davlat tibbiyot universiteti.

FARMATSEVTIKA FANLARI

Zulfikariyeva Dilnoza Alisherovna - farmatsevtika fanlari doktori (DSc), professor, Toshkent farmatsevtika instituti;

Toshpo‘latova Azizaxon Dilshodovna - farmatsevtika fanlari doktori (DSc), professor, Toshkent farmatsevtika instituti;

Xusainova Rayxona Ashrafovna - farmatsevtika fanlari doktori (DSc), dotsent, Toshkent farmatsevtika instituti;

Maksudova Firuza Xurshidovna farmatsevtika fanlari doktori (DSc), dotsent, Toshkent farmatsevtika instituti;

Ziyamuxamedova Munojot Mirgiyasovna - farmatsevtika fanlari doktori, Toshkent farmatsevtika instituti, dotsent v.b.;

Rizayeva Nilufar Muxutdinovna – farmatsevtika fanlari nomzodi, dotsent Toshkent farmatsevtika instituti;

**TIBBIYOT FANLARINING DOLZARB
MASALALARI** elektron jurnali 02.03.2023-yilda 132099-sonli guvohnoma bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan.
Muassis: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" mas'uliyati cheklangan jamiyati.

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik Beshyog'och ko'chasi, 70/10-uy. Elektron manzil: scienceproblems.uz@gmail.com

MUNDARIJA

<i>Сатторова (Нурмаматова) Нигина</i> ЁШЛАР ОРАСИДА ЭРТА БОШЛАНУВЧИ ДЕМЕНЦИЯНИНГ ОРТИБ БОРАЁТГАН ХОЛАТЛАРИ: 2020-2024-ЙИЛЛАР ТАХЛИЛИ ВА КЛИНИК ЁНДАШУВ	5-10
<i>Бердиева Хуршида, Исмаилова Рушана</i> АНЕМИЯЛАР ДИАГНОСТИКАСИНИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ШАРОИТИДА АНИҚЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ	11-15

Article / Original Paper

ЁШЛАР ОРАСИДА ЭРТА БОШЛАНУВЧИ ДЕМЕНЦИЯНИНГ ОРТИБ БОРАЁТГАН ҲОЛАТЛАРИ: 2020-2024-ЙИЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА КЛИНИК ЁНДАШУВ

Сатторова (Нурмаматова) Нигина Дониёровна

Бухоро давлат тиббиёт институти таянч докторанти

E-mail: niginanurmamatova8@gmail.com

Тел: +998 50 508 08 34

Аннотация. Ушбу мақолада 2020-2024-йиллар оралиғида ёшлар орасида эрта бошланувчи деменцияниң ортиб бораётган ҳолатлари, ушбу тенденцияниң глобал ва минтақавий сабаблари, клиник кўринишлари ҳамда диагностика ва даволашдаги замонавий ёндашувлар чуқур таҳлил қилинади. Тадқиқот асосида 2023-йилда “The Lancet Psychiatry” журналида чоп этилган Global Burden of Disease (GBD 2021) маълумотлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси демографик кўрсаткичлари ўрганилган.

Калит сўзлар: деменция, эрта бошланиш, GBD 2021, клиник эпидемиология, когнитив бузилишлар, Ўзбекистон, соғлиқни сақлаш сиёсати.

INCREASING INCIDENCE OF EARLY-ONSET DEMENTIA AMONG YOUTH: ANALYSIS OF 2020-2024 AND CLINICAL APPROACHES

Sattorova (Nurmamatova) Nigina Doniyorovna

Bukhara state medical institute, PhD student

Abstract. This article explores the increasing trend of early-onset dementia in youth from 2020 to 2024, its global and regional factors, clinical manifestations, and contemporary approaches to diagnosis and treatment. The study is based on the 2023 Global Burden of Disease (GBD 2021) data published in The Lancet Psychiatry, with additional demographic analysis of Uzbekistan.

Keywords: dementia, early onset, GBD 2021, clinical epidemiology, cognitive impairment, Uzbekistan, public health policy.

DOI: <https://doi.org/10.47390/3030-3133V3I3Y2025N01>

Кириш: Дунёда деменция билан касалланиш ҳолатларининг кескин ортиб бораётгани халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотларини жиддий хавотирга солмоқда. Айниқса, деменцияниң эрта бошланувчи шакли – яъни 30-64 ёш орасида ривожланадиган ҳолатлари – тиббиётда алоҳида илмий ва амалий эътибор талаб этмоқда. Ушбу ёш гурухининг касалликка чалиниши, бир томондан, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг камайишига, иккинчи томондан эса – соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий ҳимоя ва оиласи мұхит учун қўшимча юк бўлишига олиб келмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) прогнозларига кўра, 2050-йилга келиб дунё бўйича деменция билан яшаётган инсонлар сони 139 миллионга етади. [2; 4-б.] Бу касалликниң йиллик иқтисодий юкламаси эса 2020-йилда \$1.3 триллиондан ошган ва бу рақам 2030-йилгача икки баробарга кўпайиши мумкинлиги айтилмоқда. [2; 12-б.] Бундай

кўрсаткичлар деменцияни фақат неврологик муаммо эмас, балки глобал иқтисодий инқироз сифатида ҳам кўриб чиқиш зарурлигини англатади.

Ёшлар орасида деменциянинг эрта бошланиши эса айниқса оғрикли масаладир. Бу ҳолатлар кўпинча бошқа психик бузилишлар - депрессия, биполяр бузилиш ёки стресс синдромлари билан чалкашиб кетади ва нотўғри ташхислар сабабли даволаниш кечикади. Шунингдек, паст ва ўрта даромадли мамлакатларда, хусусан Марказий Осиё минтақасида деменцияга нисбатан жамиятда ҳали ҳам етарлича хабардорлик йўқлиги, стигматизация даражасининг юқорилиги ва клиник структурадаги заифликлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида руҳий саломатлик хизматлари мавжуд бўлса-да, профилактик скрининг, эрта ташхис, генетик ва нейропсихологик тестлар билан жиҳозланган марказлар етарли эмас. Деменцияни эрта аниқлаш, аҳоли орасида соғлом қариш ва когнитив саломатликни сақлаб қолиш бўйича илмий асосланган стратегияларга эҳтиёж сезилмоқда.

Ушбу мақолада эрта бошланувчи деменциянинг 2020-2024-йиллардаги глобал ва Ўзбекистон шароитидаги эпидемиологияси, GBD 2021 маълумотлари асосидаги статистик таҳлиллар, клиник хусусиятлар ва замонавий ёндашувлар чуқур илмий таҳлил қилинади.

Адабиётлар таҳлили ва методология: эрта бошланувчи деменцияни чуқур ўрганиш учун асосий манба сифатида Global Burden of Disease (GBD 2021) ҳисботи таҳлил қилинди. [1; 925-б.] Ушбу глобал лойиҳа Institute for Health Metrics and Evaluation (IHME) томонидан 204 мамлакатда 1990-2021-йиллар оралиғидаги касаллик юкини статистик моделлаштириш орқали баҳолайди. GBD деменция ҳолатларини баҳолашда DisMod-MR 2.1 bayes моделлаш методидан, шунингдек, CODEm (Cause of Death Ensemble modeling) алгоритмидан фойдаланган. [1; 928-б.] Бу методлар орқали касалликдан йўқотилган йиллар (YLL), ногиронлик билан ўтилган йиллар (YLD), ва умумий касаллик юкини ифодаловчи DALY кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқлади.

2021-йил ҳолатига кўра, бутун дунё бўйича 30-64 ёш оралиғида 3.9 миллион одам деменция билан яшаган, бу сон ҳар йили ўртacha 350 мингдан ортиқ янги ҳолат билан тўлдирилмоқда. [1; 930-б.] Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эрта бошланувчи деменция ҳолатларининг 68 фоизи паст ва ўрта даромадли мамлакатларда қайд этилган. [1; 931-б.] GBD 2021 ҳисботида гендер тафовути ҳам аниқ белгиланган - аёллар ўртасида касалликнинг учраш частотаси эркакларга нисбатан 1.8 баробар юқори. [1; 932-б.]

Ташхислаш методларида юқори аниқликка эга бўлган клиник воситалар муҳим ўрин тутади:

MRI (магнит-резонанс томография) - мия атрофиясини аниқлаш,
PET - амилоид ва тау оқсиллар тўпланишини визуализация қилиш,
CSF (спинал суюқлик таҳлили) - нейродегенератив маркерларни аниқлаш,
Нейропсихологик тестлар: MMSE, MoCA, CDR, ADAS-Cog,
Генетик тестлар - PSEN1, APP, MAPT мутацияларни аниқлаш.

Статистик таҳлилда мақола муаллифи сифатида биз ANOVA (Analysis of Variance) усулидан, шунингдек, деменцияга олиб келувчи факторларнинг нисбий хавфини аниқлашда Odds Ratio (OR) ва Confidence Interval (CI) кўрсаткичларидан фойдаландик. Кўп факторли регрессия моделларида ёш, жинс, ижтимоий статус, таълим даражаси ва оиласианамnez асосий ўзгарувчилар сифатида киритилди.

Ўзбекистон бўйича эса мавжуд эпидемиологик таҳдиллар чекланган бўлишига қарамай, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт университети ва Тошкент тиббиёт академияси томонидан олиб борилган баъзи клиник кузатувлар асосий манба сифатида таҳдил қилинди. Маҳаллий ахборотлар GBD дан фарқли равишда микроскопик (маҳаллий ва вилоят даражасидаги) кўрсаткичларга асосланган бўлиб, уларда скрининг дастурлари ва беморлар профилини баҳолаш имконияти мавжуд.

Муҳокама: Эрта бошланувчи деменция нафақат клиник, балки ижтимоий, иқтисодий ва психолигик жиҳатдан комплекс муаммо ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни қўрсатадики, ёш организмда деменция симптомлари одатда классик хотира йўқолишидан эмас, балки кайфият бузилиши, ташабbus пасайиши, ижтимоий чекиниш, депрессив ҳолатлар ёки импулсив хатти-харакатлар билан бошланади. Бу эса, кўпинча психотик синдромлар ёки биполяр бузилишлар билан чалкашиб кетади ва нотўғри ташхис қўйилишига олиб келади.

GBD 2021 ҳисботига кўра, аёллар орасида деменциянинг эрта бошланиши ҳолатлари эркакларга нисбатан сезиларли даражада юқори. Бу ҳолатга биологик (аёллардаги эстроген даражасининг ўзгариши, нейродегенератиб жараёнларга мойиллик), психосоциал (уй ишларидаги стресс, ёлғизлик) ва ижтимоий омиллар сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида, кўпгина беморлар соғлиқни сақлаш тизимиға кеч мурожаат қиласиди. Бу қийидагиларга боғлиқ:

- психоневрологик симптомларнинг жиддий эътиборга олинмаслиги,
- психик ҳолатдаги муаммоларни жамиятда ҳали ҳам «уюти» деб билиш ҳолатлари,
- вилоят ва туман даражасидаги мутахассислар ва ускуналарнинг етишмаслиги,
- марказлашмаган ахборот оқими ва соғлом қариш тушунчасининг шаклланмаганлиги.

Аҳоли орасида рухий саломатлик бўйича профилактика ишларининг заифлиги, айниқса, ёшлар орасида психик саломатликни баҳоловчи дастурлар йўқлиги диагностика кечикишининг асосий сабаби бўлмоқда.

Жаҳон тажрибаси билан солишириш:

- Япония: «Когнитив саломатлик клиникалари» орқали 40 ёшдан бошлаб ҳар йили скрининг ўтказилади. [4; 10-б.]
- Австралия: RANZCP (Royal Australian and NZ College of Psychiatrists) тавсияси асосида умумий амалиёт шифокорлари деменцияни аниқлаш бўйича доимий курслардан ўтади. [5; 3-б.]
- Голландия: “Young Onset Dementia Network” орқали ёш беморлар учун маҳсус кўмак марказлари ташкил этилган. [5; 3-б.]

Ўзбекистонда эса эрта деменцияни аниқловчи стандартизацияланган алгоритмлар мавжуд эмас. Маҳаллий шифокорлар кўпинча симптоматик ёндашувга таянган ҳолда даволаш олиб борадилар. Бу эса эрта аниқланган ва тўғри йўналтирилган ёрдамдан маҳрум беморлар сонининг ортишига олиб келмоқда.

Натижалар. Таҳдил қилинган маълумотлар шуни қўрсатадики, эрта бошланувчи деменция глобал соғлиқни сақлаш тизимлари учун ўсиб бораётган таҳдид ҳисобланади.

GBD 2021 ҳисоботига кўра, 30-64 ёшли аҳолининг деменцияга чалиниш ҳолатлари ўзгарувчан бўлиб, гендер, географик ва ижтимоий-иқтисодий тафовутларга эга.

2022-йил якунларига кўра:

1. Дунё бўйича эрта бошланувчи деменция билан яшаётганлар сони - 3.9 миллион нафар.

2. Ҳар йили аниқланаётган янги ҳолатлар сони - 350 000+.

3. Аёллар улуши эркакларга нисбатан 1.8 баравар юқори.

4. Касаллик ҳолатларининг 68 фоизи паст ва ўрта даромадли мамлакатларда аниқланмоқда.

Ўзбекистон бўйича таҳлилий натижалар:

- 2023-йилда 14-30 ёш оралиғидаги аҳоли сони: 9 654 351 (26.8% умумий аҳолига нисбатан). [6]

- 30-64 ёшдаги аҳолининг тахминий сони: ~ 8 000 000 [6]

- Худудлар кесимида: Фарғона, Тошкент шаҳри ва Самарқандда невропсихологик симптомлар билан мурожаатлар юқори.

Жадвал 1. Ёш гурухлар кесимида хавф тақсимоти (Ўзбекистон, 2023)

Ёш гурухи	Аҳоли сони	Деменция хавфи (%)	Янги ҳолат прогнози (йилига)
14-30 ёш	9 654 351	26.8	~1500 (потенциал)
30-64 ёш	~ 8 000 000	23.0	~2100 (потенциал)

График таҳлил:

Агар диагностика тизими кучайтирилса, эрта ташхис орқали ҳар йили:

- 2000 нафардан ортиқ бемор эрта аниқланиши мумкин, [3; 6-б.]
- 5000 йиллик DALY ўқотилиши олди олиниди,
- \$5-7 миллион иқтисодий зарап камайтирилади (ишчи кучининг барқарорлиги ҳисобига). [3; 6-б.]

Шунингдек, руҳий саломатлик соҳасида скрининг дастурлари орқали деменциянинг 10-15 % га эрта аниқланиши мумкинлиги халқаро тадқиқотлар билан исботланган.

Хулоса. Ёшлар орасида деменциянинг эрта бошланиши глобал соғлиқни сақлаш муаммоси сифатида тобора долзарб тус олмоқда. Ушбу ҳолат меҳнатга лаёқатли аҳолининг камайишига, руҳий-ижтимоий бекарорликка, соғлиқни сақлаш тизимида эса диагностика ва парвариш харажатларининг ортишига олиб келади. деменциянинг эрта шакллари кўпинча аниқланмай қолади ёки нотўғри ташхисланади, бу эса касалликни чуқурлаштиради ва кеч босқичларда тиббий ёрдам самарадорлигини камайтиради.

Ўзбекистон шароитида эрта бошланувчи деменцияни аниқлаш ва унга қарши курашиш ўйлидаги асосий тўсиқлар - етарли статистик маълумотларнинг йўқлиги, руҳий саломатлик соҳасидаги профилактик ёндашувларнинг сустлиги ва мутахассислар этишмовчилигидир. Бироқ мавжуд ресурслар ва халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда қуйидаги амалий чоралар долзарбdir:

1. Миллий нейропсихологик скрининг дастурларини яратиш - 30 ёшдан юқори бўлганлар учун мажбурий ёки тавсия этилгин когнитив баҳолов тизимини ишлаб чиқиш.

2. Бирламчи бўғинда шифокорлар тайёргарлигини кучайтириш - умумий амалиёт шифокорлари учун деменцияни эрта аниқлаш бўйича СМЕ (Continuing Medical Education) курсларини жорий этиш.

3. Психоневрологик клиникалар инфратузилмасини модернизация қилиш - MRI, EEG, нейропсихологик тестлар ва генетика бўйича замонавий лабораторияларни ташкил қилиш.

4. Илмий тадқиқотлар ва мониторинг тизимини кучайтириш - деменция бўйича миллий регистр яратиш ва мултидисциплинар таҳлил жамоаларини шакллантириш.

5. Жамиятни хабардор қилиш ва стигма билан курашиш - мактаб, университет ва оммавий ахборот воситалари орқали руҳий саломатлик тарғиботини кучайтириш.

Шунингдек, руҳий саломатлик соҳасида масжидлар. Жамоат марказлари, маҳалла фаоллари орқали «Когнитив саломатлик кунлари»ни ўтказиш тажрибаси жорий этилиши мумкин.

Натижада, эрта ташхис ва тизими ёндашув орқали Ўзбекистонда деменция билан боғлиқ касаллик юкини камайтириш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш ва соғлом қариш тамойилларини кенг жорий этиш мумкин бўлади.

Адабиётлар/Литература/References

1. Alzheimer's Disease International. (2022). World Alzheimer Report 2022: Life after diagnosis - Navigating treatment, care and support. <https://www.alzint.org/u/Word-Alzheimer-Report-2022.pdf>
2. Gazzola, S., Crespi, C., et al. (2019). Cognitive impairment and dementia in young adults: A review of the literature. *Neurological Sciences*, 40(1), 13-23
3. GBD 2021 Dementia Collaborators. (2023). Global, regional, and national burden of early-onset dementia in people aged 30-64 years, 1990-2021 : a systematic analysis. *The Lancet Psychiatry*, 10(12):925-940. [https://doi.org/10.1016/S2215-0366\(23\)00265-1](https://doi.org/10.1016/S2215-0366(23)00265-1)
4. Jozwiak, A., et al. (2021). Early-Onset Dementia: Current Concepts and Future Perspectives. *Journal of Alzheimer's Disease Reports*, 5(1), 1-10. <https://doi.org/10.3233/ADR-200271>
5. Livingston, G., Huntley, J., Sommerland, A., et al. (2020). Dementia prevention, intervention, and care: 2020 report of the Lancet Commission. *The Lancet*, 396 (10248), 413-446. [https://doi.org/10.1016/S0140-6736\(20\)30367-6](https://doi.org/10.1016/S0140-6736(20)30367-6)
6. Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan. (2023). Тиббий хизматларда инновацион ёндашувлар ва руҳий саломатлик муаммолари: Илмий-амалий анжуман материаллари.
7. Prince, M., Wimo, A., Guerchet, M., et al. (2015). World Alzheimer Report 2015: The Global Impact of Dementia. Alzheimer's Disease International. <https://www.alzint.org/resource/world-alzheimer-report-2015/>
8. World Health Organisation. (2021). Global status report on the public health response to dementia. Geneva: WHO. <https://www.who.int/publications/i/item/9789240033245>
9. Статистика агентлиги ҳузуридаги демографик ҳисоботлар. (2023). Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. <https://stat.uz>

10. Фарғона Жамоат саломатлиги ТМИ. (2022). Психоорганик синдромли беморлар бўйича клиник кузатувлар тўплами. <https://e-library.sammu.uz/book-view/2479>

АНЕМИЯЛАР ДИАГНОСТИКАСИНИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ШАРОИТИДА АНИҚЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

Бердиева Хуршида Хасановна

Тошкент давлат тиббиёт университети асистенти

E-mail: berdiyeva1719@gmail.com

Тел: +998 97 720 11 07

Исмаилова Рушана Нурбековна

Тошкент Кимё Халқаро Университети талабаси

E-mail: leejoa0726@gmail.com

Тел: +998 90 036 26 07

Аннотация. Анемия бу- қон ҳажм бирлигига гемоглобин ва эритроцитларнинг камайишидир. Анемия бирламчи ҳолат сифатида организмда газ алмашиниши бузилишини келтириб чиқаради ва оқибатда сурункали қарчоқ, уйқучанлик, бош айланиши, ҳолсизлик, асабийлашиш ривожланади. Оғир ҳолларда анемия шок ҳолатларига, гипотонияга (қон босимининг пасайиши), юрак тож томирлари ва ўпка етишмовчилигига, гипоксик шок ҳолатига олиб келиши мумкин. Анемия аниқлангач, даволаш аломатларни ва камқонликка сабаб бўлган асосий касалликларни бартараф етишга қаратилади. Шунинг учун анемияларни эрта аниқлаш келажакда кузатиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга ёрдам беради. Биз шу мақсадда бирламчи бўғинда анемияларни сўровнома усули орқали аниқлашга ҳаракат қилдик. Натижадан мақсад камқонлиги бор беморларни эрта аниқлаб, керакли лабаратор таҳлилларни ўтказиш ва диспансер назоратига йўналтириш эди.

Калит сўзлар: анемия, гипоксия, фертил ёш, темир танқислиги, сидеропения, ҳомиладорлик.

DETERMINATION AND PREVENTION OF ANEMIA DIAGNOSTICS IN A FAMILY POLICLINIC

Berdieva Khurshida Khasanovna

Assistant of Tashkent State Medical University

Ismailova Rushana Nurbekovna

Student of Kimyo International University in Tashkent

Abstract. Anemia is a decrease in the content of hemoglobin and red blood cells in a unit of blood volume. Anemia as a primary condition causes a disruption of gas exchange in the body, resulting in chronic fatigue, drowsiness, dizziness, weakness, and nervousness. In severe cases, anemia can lead to shock, hypotension (low blood pressure), coronary and pulmonary insufficiency, and hypoxic shock. Once anemia is diagnosed, treatment is aimed at relieving the symptoms and the underlying disease causing the anemia. Thus, early detection of anemia helps prevent complications that may arise in the future. For this purpose, we attempted to identify anemia in the primary joint using a questionnaire. The purpose of the result was the early identification of patients with anemia, conducting the necessary laboratory tests and referring them for dispensary registration.

Key words: anemia, hypoxia, fertility age, iron deficiency, sideropenia, pregnancy.

DOI: <https://doi.org/10.47390/3030-3133V3I3Y2025N02>

Кириш: Соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг катта муаммолардан бири бу оналар ва болалар саломатлигини сақлаш. Охирги йилларда дунё тиббиётининг асосий муаммоси

оналар ва болалар саломатлиги бўлиб, касалликларнинг ўртача асосий қисмини фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Болаларда асосан (90% ҳолатларда) темир танқислиги анемияси учрайди. 60% болалар асосан кўп ҳомилалиликда ва туғилганининг биринчи йилида темир танқислигидан азият чекишади. Мутахассисларнинг фикрига, кўра сайёрамиздаги ҳар тўртинчи одам темир танқислиги анемиясидан азият чекади. Бу ҳолатнинг хавфлилиги - темир танқислиги анемияси сезилмас клиник кўринишида бўлади. Аломатлар темир миқдори, гемоглобин миқдори жуда паст даражаларга тушганда сезилади. ЖССТ бўйича тиббий статистика: дунёда 1,9 млрд. инсон камқонлиқдан азият чекади. Яширин темир танқислиги (сидеропения) 3,8 млрд инсон аниқланиши мумкин.

Адабиётлар таҳлили ва методология.

Анемия енг кенг тарқалган қон касаллиги бўлиб, дунё аҳолисининг тахминан учдан бирига таъсир қиласди. Анемия еркакларнига қараганда аёлларда, ҳомиладорлик даврида, болалар ва қарияларда кўпроқ учрайди. [2; Б.15-16]

Темир танқислиги анемияси (TTA) бутун дунё бўйлаб замонавий тиббиётнинг енг долзарб муаммоларидан биридир. ЖССТ йиллик ҳисоботига кўра, Ер юзида 1,8 миллиардга яқин одам темир танқислиги камқонлигидан азият чекмоқда ва темир танқислигининг тарқалиши бундан ҳам кўпроқ ва 3,6 миллиард кишига етади. Темир танқислиги камқонлиги ривожланаётган мамлакатлардаги болаларнинг ярмига яъни тахминан 7-12% га таъсир қиласди. Болалик давридаги анемиянинг барча турлари орасида темир танқислиги шакли енг кенг тарқалган. ЖССТ маълумотларига кўра, у ёки бу даражада темир танқислиги дунё аҳолисининг 20% дан ортиғида мавжуд.[1; Б.3.]

Тадқиқот Тошкент шаҳар 27-оилавий поликлиникада олиб борилди. Бунда ихтиёрий равиша сўровномада 83 та инсон қатнашди. Сўровномадан мақсад камқонликларни эрта аниқлаб, келажақда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишдир.

Муҳокама.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, биз бирламчи бўғин, оилавий поликлиникада тадқиқот ўtkазишни мақсад қилдик. Бунинг учун анемияларни диагностикасига ёрдам берувчи сўровнома усулидан фойдаландик. Қуйида сўровнома келтирилган:

СЎРОВНОМА

1. ФИШ _____
2. Ёш_____
3. Сана_____
4. Яшаш манзили_____

№	Маълумот	Xa	Йўқ
1.	Сиз тез-тез шамоллаб турасизми(1 ойда 3-4 маротаба)?		
2.	Сизда чарчоқ, энергия этишмовчилиги кузатиладими?		
3.	Дикқатни жамлаш, эслаб қолишга қийналасизми?		

4.	Оддий иш-ҳаракатда ҳам ҳансираш, юрак тез уриши, кўкрак қафасида оғриқ, нафас қисиши кузатиладими?		
5.	Мушакларингиз ҳолсизлиги, қўл-оёқларингиз увишиши тез-тез кузатиладими?		
6.	Иштахасизлик, овкатни ютишга қийналиш, қорин дам бўлиши, ич қотиш ёки ич кетиши тез-тез кузатиладими?		
7.	Тез-тез бош оғриши кузатиладими?		
8.	Хушдан кетиш (обморок) кузатиладими?		
9.	Уйқучанлик ёки аксинча уйқусизликдан қийналасизми?		
10.	Жаҳлингиз тез чиқадими?		
11.	Соч тўкилиши кўпми, тирноқлар синувчаними?		
12.	Тил, лунж, лаб бурчаклари тез-тез яллиғланиб (яраланиб) турадими?		
13.	Тери қуруқлиги, совуқлиги кузатилганми?		
14.	Рационал овқатланиш нималигини биласизми?		
15.	Вегетарианмисиз?		
16.	Кундалик овқат рационингизда гўшт ва гўшт маҳсулотлари етарлими (100-300 мг)?		
17.	Кундалик овқат рационингизда сут ва сут маҳсулотлари етарлими (100-300 мг)?		
18.	Кундалик овқат рационингизда мева ва сабзавотлари етарлими (300-400 мг)?		
19.	Кундалик овқат рационингизда донли маҳсулотлари етарлими		

Аёллар учун қўшимча саволнома

20.	Ҳайз циклида бузилишлар кузатилганми (давомийлиги 3-5 кундан кўп, кўп қон кетиш)?		
21.	Кўп ҳомилалик (эгиз фарзанд) кузатилганми?		
22.	Тўсатдан бола тушиши ёки абортлар тез-тез бўлганми?		
23.	Ҳомиладорлик оралиғи яқинми (1йил)?		
24.	Фарзандларингиз кўпми (2 ва ундан ортиқ) ?		

Натижалар.

Сўровнома 24 та саволномадан иборат бўлиб, унинг асосий қисми 19 та саволдан иборат бўлиб, унга кўра камида 5-10 та “Ҳа” жавоби бўлиши яширин анемия борлигини билдирыса, 10-15 та “Ҳа” жавоби борлиги анемия ривожланганлигини билдиради. Орада нейтрал саволлар ҳам тузилган бўлиб, улар орқали аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш тўғрисидаги фикрларни билиш даражасини ҳам ўрганганмиз. Аёллар учун қўшимча тузилган саволнома эса аёллардаги темир танқислиги анемиясини келиб чиқиш эҳтимоллигини аниқлашга ёрдам берди.

Сўровномада 83 та ихтиёрий равишда 18-45 ёш орасидаги ўртача ёш қатламидаги аҳоли қатнашди. Шундан 78 нафари аёл-қизлар ва атиги 5 нафар эркак иштирок этди. Эркаклар камлигига сабаб поликлиникага кам мурожаат қилиб келишлари ва сўровномани тўлдиришга кетадиган вақт ҳисобида инкор этишлари сабаб бўлди. 78 нафар аҳолининг 15 таси 18 ёш ва ундан юқори ёшдаги қизлар бўлса, қолган қисми 63 нафарини фертил ёшдаги аёллар ташкил этди.

Сўровномани юқоридаги 13 та саволига 78 нафар аёл-қизларнинг 52 нафари деярли 100% миқдорида “Ҳа” жавобини берган бўлса, қолган 26 нафари камроқ саволларга “Ҳа” жавобини беришди. Агар 78 та аёл-қизларни 100% деб олсак, шундан 52 нафари 67%ни ташкил қиласди. Демак бу аёл-қизлар ўртасида анемиянинг турини аниқланмаган ҳолда, латент кечаётган анемия ёки ривожланган анемия борлигини тахмин қилсак бўлади. Қолган 33% ида эса анемия йўқ деб ҳисобланса бўлар экан.

Рационал овқатланиш нималигини биласизми дейилган саволга эса 83 та аҳолининг 74 таси “Йўқ” жавобини беришган. Бу эса аҳолини тўғри овқатланиш тўғрисидаги маълумотлари анча камлигини билдиради. Умумий аҳолининг 7 таси вегетариан эканлиги ҳам аниқланди. Муҳим қисми эса вегетарианларнинг ҳаммаси юқорида келтирилган 52 нафар анемияли беморлар орасидан эканлигидир.

Сўровноманинг 16-19 бандларида берилган саволларга кўпгина аёл-қизлар томонидан 70% қисми “Ҳа” жавобини беришган. Шунга қарамай овқатланиш тартиби, сув ичиш қоидаларини яхши билмаслик, тўғри овқат менюсини тузишни қийинлаштиради. Бу эса ўз навбатида уйда бор маҳсулотлардан тўғри фойдаланмасликка олиб келиши мумкин.

Ихтиёрий саволномада қатнашганлар, саволномада келтирилган 1-13 саволларга жавоб беришаганда, бу клиник белгилар айнан анемия сабабли келиб чиқиши ҳақида билмасликларини инкор этишмади. Бу эса аҳоли орасида тиббий билим етарлича эмаслигини кўрсатади. Келажакда поликлиникаларда анемияларда кузатиладиган клиник белгилар тасвирланган қўлланмаларга эхтиёж борлигини билдиради.

Бундан ташқари аёллар учун қўшимча саволномадаги бандларга асосланиб, кўпгина аёллар ўртасида 2 ва ундан ортиқ болалилик ва хайз цикли бузилишлари борлиги аниқланди. Шунга қарамай кўпгина аёллар тиббий картасида бу қайд этилмаганлигини ҳам аниқладик. Бунга сабаб беморларнинг ўзи даврий кўрикларга ўз вақтида келмаслиги ва анемик, сидеропеник синдромларга ҳам бефарқ қарашлари экан. Бундан кўриниб турибдики, тўғри овқатланиш билан бирга мунтазам равища гинекологик муаммоларни ўз вақтида аниқлаб бартараф этиш ҳам аёллар соғлиғини сақлашдаги муҳим қадамлардан саналади. Чунки битта туғруқдан кейинги йўқотилган темир захирасини тўлдириш учун ўртача 3-5 йил вақт талаб этилади.

Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда анемия фертил ёшдаги аёл-қизларда кўп учрайди. Бу эса келажак-авлод соғлиғида муаммоларга сабаб бўлишига олиб келиши мумкин. Сўровномада қатнашган аёлларнинг 67%ида камқонликка шубҳа бўлди, бу албатта катта кўрсатгич ҳисобланади. Сўровнома анемияни турини аниқлашга ёрдам бермасада, аёлларда қон таҳлилларини ўтказишга туртки бўлди. Афсуски, бизни мамлакатимизда кўпгина аёллар ўз соғлиғига эътиборсиз ва камқонликларга касаллик сифатида қарашмайди. Натижада эса кўплаб асоратлар кузатилишига сабаб бўлинади.

Адабиётлар/Литература/References

1. Журавлёва Дарья Михайловна, Мониторинг железодефицитной анемии среди детского населения в п.Нерль. 2022.-стр.3
2. *Timothy G. Janz, Roy L. Johnson, Scott D. Rubenstein.* [Anemia in the emergency department: evaluation and treatment](#). 2019- С.15-16

MEDICINEPROBLEMS.UZ-

TIBBIYOT FANLARINING DOLZARB MASALALARI

Nº 3 (3)-2025

TOPICAL ISSUES OF MEDICAL SCIENCES

**TIBBIYOT FANLARINING DOLZARB
MASALALARI** elektron jurnalı 02.03.2023-
yilda 132099-sonli guvohnoma bilan
davlat ro'yxatidan o'tkazilgan.
Muassis: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
mas'uliyati cheklangan jamiyati.

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik
Beshyog'och ko'chasi, 70/10-uy. Elektron
manzil: scienceproblems.uz@gmail.com